Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 74 (6964). | 19 апрель, 1979 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА МОСКВАДА ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.



Москва, Кремль, 18 апрель 1979 йил. Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси. В. Бородин фотоси.

СОВЕТ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ТАНТАНАСИ

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

18 апрель куни Кремлда Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси очилди. Март ойида мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига сайлов бўлди. Бу сайлов сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ўсган бир вазиятда, меҳнаткашларнинг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун кураши шиори остида ўтди. Сайлов кампанияси совет кишиларининг Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганлигини жуда яққол намойиш қилди. Сайлов кампанияси жаҳонда биринчи ривожланган социализм жамиятининг чуқур демократизмини кўрсатди.

Сайлов биринчи марта ривожланган социализм даврининг чинакам манифести — СССР янги Конституцияси асосида ўтказилди.

Совет қишилари мамлакатнинг хўжалик ва социал маданий тараққиётида эришган жуда катта муваффақиятлари билан фахрланадилар. Бутун халқ Ленин партияси белгилаган планларни, Ватанимизни янада яшнатишнинг илҳомбахш истиқболларини кизғин маъқуллаб, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Партия билан халқнинг бирлиги — янги ғалабалар гаровидир. Шу сессия арафасида бўлиб ўтган пленумда КПСС Марказий Комитети СССР Олий Советининг фаолияти ва халқ депутатлари барча Советлари ишини янада такомиллаштириш йўналишлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллади.

Сессиянинг иши палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлислари билан бошланди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Эрталаб соат 10 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни қизғин кутиб олдилар.

Оқсоқоллар кенгашининг топширувига биноан ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясини очиш учун энг кекса депутатлардан бири **В. Е. Лобанок**ка сўз берилади.

Тўққизинчи чақириқ Олий Совети сайловидан кейин ўтган давр ичида деди у, совет халқи мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, фаровонликни ошириш, социалистик демократияни янада такомиллаштириш соҳасида кўп иш қилди.

Совет қишилари партиянинг доно сиёсатини, улуғ Ленин ишларини садоқат билан давом эттираётган, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитетнинг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

СССР Олий Советининг ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда ҳар бир депутатнинг актив иш олиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. В. Е. Лобанок депутатлар номидан Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетини, бутун совет халқини ишонтириб айтдики, депутатлар ўзларига кўрсатилган юксак ишончга муносиб иш олиб борадилар.

(Давоми 2-бетда).



Л. И. БРЕЖНЕВ
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Эрталаб соат 11 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси очилди.

Мажлис аҳли **Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. С. Горбачев** ўртоқларни самимий кутиб олди.

Оқсоқоллар кенгашининг топшируви га биноан ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи сессиясини очиш учун энг кекса депутатлардан бири **А. П. Александров**га сўз берилади.

СССР Олий Советига ўтказилган сайлов КПСС XXV съездининг қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий активлиги ғоят юксалганлигини намойиш қилди. Совет халқининг монолит бирлиги, унинг Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашганлиги, содиқ ленинчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг кўп қирали ва собитқадам фаолиятини бутун халқ маъқуллаётганлиги янада зўр куч билан намоён бўлади.

Ўнинчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети бугун ўз вазифаларини бажаришга киришяпти.

«Янги Конституция,— деди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев,— ҳокимият органларимизнинг, шу жумладан СССР Олий Советининг бутун ишини гоят чуқур мазмун билан бойитди. Бу эса ўз навбатида халқ Советларга сайлайдиган ва ўз депутатлари деб атайдиган кишилар олдига янги, янада юксак талабларни қўяди».

А. П. Александров Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, Советлар мамлакати давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари ана шу юксак талабларга мувофиқ иш олиб борадилар, халқ ишончини оқлаш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар.

Нотиқ Ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи сессиясини очиқ деб эълон қилади.

Депутат **В. И. Долгих**га сўз берилади. У оқсоқоллар кенгашининг топшируви биноан депутат **А. П. Шитиков**ни Иттифоқ Советининг раиси қилиб сайлашни таклиф этади.

Бу таклиф бир овоздан қабул қилинади.

А. П. Шитиков палата раиси ўрнини эгаллайди.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **П. П. Гришкявичус**, Чоржўйдаги В. И. Ленин номли суперфосфат заводининг аппаратчиси **П. Курбонов**, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти **Б. Е. Патон**, Минск областидаги «Победа» колхозининг машинада сут соғиш оператори **З. П. Ярошевич** бир овоздан палата раисининг ўринбосарлари қилиб сайланадилар.

Депутатлар Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида ва биргаликда ўтказиладиган мажлислари регламентини тасдиқлайдилар. Сессия кун тартиби ҳам бир овоздан тасдиқланади. Кўриб чиқиш учун қуйидаги масалалар кун тартибига киритилади:

1. Иттифоқ Советининг мандат комиссиясини сайлаш.
2. Иттифоқ Советининг доимий комиссияларини тузиш.
3. СССР Олий Советининг Президиумини сайлаш.
4. СССР Министрлар Советини тузиш.
5. СССР Олий Совети регламентининг лойиҳаси

(Давоми 2-бетда).

ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Соат 17 да Катта Кремль саройида, СССР Олий Советининг мажлислар залида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси очилди.

Мажлис қатнашчилари **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, М. С. Горбачев** ўртоқларни ўринларидан туриб гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Мажлисда **А. П. Шитиков** раислик қилади.

Сессия кун тартибининг навбатдаги масаласини кўриб чиқишга — СССР Олий Совети Президиумини сайлашга ўтади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, депутат **М. А. Суслов**га сўз берилади.

Депутат М. А. СУСЛОВ нутқи

Депутат ўртоқлар!

СССР Конституциясига биноан СССР Олий Советининг Президиуми СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Раисининг биринчи ўринбосари, Раисининг ҳар бир иттифоқдош республикадан бир кишидан — ўн беш ўринбосари, Президиум секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг йигирма бир аъзосидан иборат составда сайланади.

Шуни айтиш керакки, аввалги, тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ва Олий Совет Президиумининг фаолияти совет халқи ҳаётига, тинчлик ва социализм ишини янада мустаҳкамлашга катта таъсир қилган воқеаларга бой даврда ўтди. СССР Олий Совети Президиуми ички ва ташқи сиёсатнинг муҳим, актуал масалаларини, давлат, хўжалик ва социал маданий қурилишнинг туб проблемаларини ҳал этди.

Ўртоқлар, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Марказий Комитетнинг 1977 йил май Пленуми таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси этиб сайланиши Президиумнинг ишини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарди. Партия ташаббуси билан қилинган бу иш марказда ва жойларда советларнинг активлигини янада оширишда, улар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшируви мувофиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневни яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида Олий Советнинг партия группаси ва палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари қўллаб-қувватлаган таклифни сизларнинг муҳокамангизга киритаман. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ Василий Васильевич Кузнецов яна тавсия этилади. **(Қарсаклар).**

М. А. Суслов СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, Президиум секретари ва аъзолари тўғрисидаги таклифларни депутатлар муҳокамасига тақдим этади.

Шак-шубҳа йўқки, дейди М. А. Суслов,—СССР Олий Совети Президиумининг тавсия этилаётган ҳамда таниқли партия ва давлат арбоблари, илғор ишчилар ва колхозчилар, касаба союзлари, комсомол, бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, коммунистлар ва партиясизлардан иборат составни Конституциямиз томонидан унинг зиммасига юклатилган юксак ваколатларни муваффақиятли амалга ошира олади. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

СССР Олий Совети депутат **Л. И. Брежневни** якдиллик билан яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайлайди. Залда гулдурос қарсаклар янграйди.

Сўнгра депутатлар депутат **В. В. Кузнецовни** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари қилиб бир овоздан сайлайдилар. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, Президиум секретари ва аъзолари бир овоздан сайланади.

Л. И. Брежневга сўз берилади. Депутатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб уни гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклаб кутиб оладилар.

Депутат Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз депутат ўртоқлар!

Аввало СССР Олий Совети Президиумининг ҳозиргина сайланган аъзолари номидан, шахсан ўз номимдан бизга билдирилган катта ишонч учун Коммунистик партия Марказий Комитетига ва Олий Совет депутатларига астойдил миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар. **(Қарсаклар).** Аминманки, ҳар биримиз бу ишончни оқлаш учун кучимизни аямаймиз. **(Қарсаклар).**

Мамлакат олий ҳокимият органининг депутати бўлиш — юксак шараф ва катта масъулиятдир. Олий Советнинг доимий ишловчи органи — унинг Президиуми составида ишлаш бундан ҳам фахрли ва масъулиятли вазифадир.

Янги Конституция СССР Олий Советининг ўз кенг ваколатларини актив амалга ошириш учун жуда қулай шарт-шароитларни яратиб берди. СССР Олий Совети партиянинг сиёсий йўлини ўтказиб, мамлакат ривожининг ҳаётий муҳим масалаларини тобора зўр ғайрат ва собитқадамлик билан ҳал этмоқда. Ҳар бир депутатнинг активлиги — бунинг энг муҳим шартидир.

Депутатларимиз составининг ўзи — Кремлнинг шу залига Халқнинг энг яхши вакиллари юборилаётганлигининг, унинг энг заковатли кишилари, унинг ғоят бой тажрибаси тўпланишининг далилидир. СССР Олий Советининг депутатлари — меҳнат коллективларининг вакилларидир. Улар **ҳокимият Олий Органининг қарорлари жойларда қандай бажарилаётганини, ҳозир ҳаёт қайси масалаларни биринчи ўринга чиқариб қўяётганини** амалда биладилар.

Гап, аввало, мамлакат экономикаси самарадорлигини мутгасил ошириш, унинг жамики улкан имкониятларини рўёбга чиқариш ва ишга солиш тўғрисида бормоқда. Бу — халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг, ватанимиз қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартидир.

Конституцияга биноан, СССР Олий Совети бу вазифаларни ўзи бевосита, шунингдек ўзи тузадиган органлар орқали ҳал этади.

Бизнинг иқтисодий ва социал сиёсатимизни ўтказишда ҳукумат, министрликлар ва давлат комитетлари катта роль ўйнайди. Етук социализм босқичи, фан-техника революцияси хўжалик бошқарувчи механизми олдига тобора кўпроқ юксак талаблар қўймоқда, уни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда, собитқадамлик билан катта ташкилотчилик иши олиб боришни талаб қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ТАНТАНАСИ

ИТТИФОҚ СОВЕТИ ВА МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

(Боши 1-бетда).

Бизнинг барча бошқарув аппаратимиз аниқ ва пухта ишлаши, ҳар бир киши ўзига топширилган иш учун реал масъул бўлиши, давлат интизомини бузувчиларга, турли-туман ортиқчаликларга, ҳужжатбозликка, сунистеъмолларга қарши сабот билан курашиши лозим. Бу ўринда тўққиз миллионли халқ контролерлари армияси ва унга бошчилик қилаётган СССР Халқ контроли қомитети олдинги маррада туриши керак, бу комитетнинг составини шу сессияда тузиламиз.

Жамиятимиз турмушида социалистик ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, совет қонунчилигига ҳамма жойда қатъий риоя этилиши катта роль ўйнайди. Давлатнинг ижтимоий ҳаётга таъсир қиладиган энг муҳим воситалари Олий Советда жамланади. Бинобарин, Конституция бу воситаларнинг бенуқсон ишлашини, Олий Советнинг раҳнамолик, мувофиқлаштириш ва контрол қилиш фаолияти ҳар томонлама ривожланишини талаб этади.

Учинчи чақириқ Олий Совети ҳозирги беш йилликни якунлаш, мамлакатни ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши лозим. Биз партия съездлари ҳамда унинг Марказий Комитети Пленумлари йўл-йўриқларига амал қилиб, экономика ва маданият, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва моддий рағбатлантириш проблемаларининг кенг комплекси билан шуғулланамиз, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш, халқимизнинг коммунистик қурилиш йўлидан олға ҳаракат қилиши масалаларига доимо диққат-эътибор бериб турамиз. (Қарсаклар).

Қонунларни такомиллаштириш, аввалгидек, Олий Совет фаолиятининг муҳим соҳаси бўлиб қолаверади. Шу соҳада катта, айтиш мумкинки, зўр ғайрат билан иш олиб борилиши лозим, бу иш тегишли, органлардан жиддий ижодий ёндошишни ва юксак даражада масъулиятни талаб қилади.

Бунда ҳар бир қонунни, қабул этиладиган ҳар бир қарорни оғишмай амалга оширишга, уларнинг нақд самара беришига эришишга қаратилган йўлимиз ўзгармай қолаберади. (Қарсаклар).

Янги Конституция қабул этилиши билан СССР Олий Советининг қонунларга, план топшириқларига риоя этилиши устидан, бошқарув органларининг иши устидан контроллиги анча кучайди. Ҳозиргача биз ҳукуматнинг, министрликлар ва идораларнинг докладларини Олий Совет сессияларида, унинг Президиуми мажлисларида, доимий комиссияларнинг мажлисларида муҳокама қилишнинг фойдали тажрибасини тўпладик. Бу практикани келгусида ҳам сақлаб қолиш, — сақлаб қолиш билангина қифояланмай, шу билан бирга унга янада кўпроқ собитқадамлик бахш этиш лозим.

Бу соҳада доимий комиссиялар алоҳида ўрин тутади. Улар янада ғайрат билан иш кўришлари, энг муҳим, энг зарур масалаларни муҳокамага қўйишлари, ўз тавсияларининг амалга оширилишига қатъият билан ҳаракат қилишлари, бу тавсияларнинг бажарилишини яхшироқ контрол қилишлари керак. Ўйлайманки, биз қабул қилишимиз лозим бўлган Олий Советнинг регламенти ва доимий комиссиялар тўғрисидаги янгиланган таклиф бу вазифаларни ҳал этишда ижобий роль ўйнайди.

СССРнинг янги Конституцияси СССР Олий Совети Президиумининг турли соҳалардаги активлигини ошириш учун кенг имкониятлар очди. Советлар барча бўғинларини ишига раҳбарликни изчиллик билан яхшилаш, улар орттирган тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш, сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганини, меҳнаткашлар ўртага қўйган кўпдан-кўп таклифлар қандай рўёбга чиқарилаётганини контроль қилиш-Президиумнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

СССР Олий Совети иқтисодий ва социал ривожланишнинг партия XXV съезди ишлаб чиққан программасини изчиллик билан амалга ошириб, мамлакатимизда коммунистик қурилиш учун тинч ташқи шароитларни таъминлаш тўғрисида, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиши керак. (Қарсаклар). Партия ташқи сиёсатининг Ленинчи принципларига амал қилиб, у бундан буён ҳам планетамизда тинчликни сақлаб қолишга сабот билан ҳаракат қила берадилар.

Шу мақсадда биз қардош социалистик давлатларнинг ваколатли органлари билан, дунёдаги барча мамлакатларнинг парламентлари ва тинчликсевар жамоатчилиги билан янада кенг ҳамкорлик қилиб, ўз миллий ва социал озодлиги учун курашаётган халқларни актив қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Хуллас, депутат ўртоқлар, биз ҳам ички, ҳам ташқи сиёсат соҳасида жуда катта иш қилишимиз керак. Келинглар, шундай ишлайликки, совет халқининг, Коммунистик партия ленинча байроғи остида бораётган меҳнатчи ва курашчи халқнинг юксак ишончини оқлайлик. (Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).

* * *

Мажлисда раислик қилувчи ўз номига СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **А. Н. Косигин**дан тушган аризани ўқиб эшиттиради:

«СССР Конституциясининг 129-моддасига биноан, СССР Министрлар Совети ўз вазифаларини бажариб бўлган деб ҳисоблайди ва янги сайланган СССР Олий Совети олдида ўз зиммасидаги ваколатларини соқит қилади.

СССР Министрлар Совети ушбу аризани Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Советига маълум қилишни сўрайди».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Л. И. Брежнев**га сўз берилади. ҳамма уни қизғин қарсаклар билан кутиб олади.

Депутат Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Депутат ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг топширувига биноан партиямиз сиёсатини, унинг съездлари ва Марказий Комитет пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасида ҳукуматнинг фаолиятини маъқуллашни таклиф қиламан. (Қарсаклар).

КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Алексей Николаевич Косигинни яна СССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлаш тўғрисида СССР Олий Советининг партия группаси ва палаталарнинг оқсоқоллар кенгашлари маъқуллаган таклифини сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этаман. (Қарсаклар).

Ўртоқ Косигинга СССР ҳукуматининг состави тўғрисидаги таклифларни Олий Советга тақдим этишни топшириш тавсия этилади. (Қарсаклар).

* * *

СССР Олий Совети ўз қарорида СССР Министрлар Советининг аризасини инобатга олди ва Совет ҳукуматининг фаолиятини маъқуллади **А. Н. Косигин** СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланди. Унга СССР ҳукуматининг состави тўғрисидаги таклифни СССР Олий Советига тақдим этиш топширилди. Олий Совет СССР ҳукуматини тузгунча СССР Министрлар Советига ўз вазифасини бажаришни давом эттириш топширилди.

Шу билан Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг биринчи қўшма мажлиси тугади.

19 апрелда ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

(Боши 1-бетда).

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи сессияси очиқ, деб эълон қилинади.

Депутат **М. В. Зимянин**га сўз берилади. У оқсоқоллар кенгашининг топшируви биноан депутат **В. П. Рубенни** Миллатлар Советининг раиси қилиб сайлашни таклиф қилди.

Шу таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Кустанай областидаги «Харьковский» совхозининг трактурчиси **К. Б. Доненбаева**, Молдавия ССР колхозлар кенгашининг раиси **Н. М. Зайченко**, СССР Композиторлар союзи правлениесининг секретари **Д. Б. Кабалевский**, Қўрғонтепа областидаги «Вахшводстрой» трестининг машинист-бульдозерчиси **М. Мирзомуродов** бир овоздан палата раисининг ўринбосарлари қилиб сайланади.

Депутатлар Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида ва биргаликда ўтказиладиган мажлислари регламентини тасдиқлайдилар. Сессиянинг кун тартиби ҳам бир овоздан тасдиқланади. Кўриб чиқиш учун қуйидаги масалалар кун тартибига киритилади:

1. Миллатлар Советининг мандат комиссиясини сайлаш.

2. Миллатлар Советининг доимий комиссияларини тузиш.

3. СССР Олий Советининг Президиумини сайлаш.

4. СССР Министрлар Советини тузиш.

5. СССР Олий Совети регламентининг лойиҳаси ҳақида ва СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг доимий комиссиялари ҳақидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

6. СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

7. СССР Халқ контроли комитетини тузиш.

8. СССР Олий судини сайлаш.

9. СССР Бош прокурорини тайинлаш.

Миллатлар Совети сессиянинг кун тартибини ва масалаларни кўриб чиқиш тартибини бир овоздан тасдиқлайди.

Миллатлар Советининг мандат комиссияси сайланади.

Шу билан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлиси тамом бўлди.

* * *

Соат 13 да Катта Кремль саройида Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси очилди. Мажлисга **В. П. Рубен** раислик қилди.

Миллатлар Совети ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида мандат комиссиясининг раиси **А. Г.**

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

(Боши 1-бетда).

Коркиннинг докладини тинглади.

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг аниқ ва равшан сиёсий платформасини зўр мамнуният туйғулари билан кутиб олдилар. Бу платформа КПСС Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаатида, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Москва шаҳри Бауман сайлов округида сайлов олди йиғилишида сўзлаган ёрқин ва чуқур мазмунли нутқида баён қилинди.

Депутатликка кўрсатилган номзодлар учун якдиллик билан овоз берилганлиги коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг янги ажойиб ғалаба қозонганлигини, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, содиқ марксчи-ленинчи, улуғ Ленин ишларининг атоқли давомчиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг собитқадам амалий фаолиятини бутун халқимиз маъқуллаб, астойдил қўллаб-қувватлаётганлигини жуда яққол исбот этди.

Давлатимизнинг кўп миллатли давлат эканлиги СССР Олий Советининг структурасида, Олий Совет палаталарининг ҳуқуқий тенглигида, Миллатлар Советини тузиш тартибида ўз ифодасини топади.

Миллатлар Советига иттифоқдош республикалардан 480 депутат, автоном республикалардан 220 депутат, автоном областлардан 40 депутат ва автоном округлардан 10 депутат сайланди. Палата депутатлари орасида 57 миллат вакили бор.

Миллатлар Советига 252 ишчи ва 140 колхозчи сайланди. Булар палатадаги барча депутатларнинг 52,3 процентини ташкил этади. Депутатлар орасида хотин-қизлардан 247 киши бор. Улар палатадаги барча депутатларнинг 32,9 процентини ташкил этади.

526 депутат КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан, 224 депутат партиясизлардан, 107 депутат ВЛКСМ аъзоларидан иборат.

Докладчи Миллатлар Советининг ҳозирги состави 62 процент янгиланганлигини айтди.

Миллатлар Советининг мандат комиссияси барча сайлов округларида сайлов СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунга тамомила мувофиқ суратда тўғри ўтказилганлигини аниқлади. Сайлов комиссиялари ва мандат комиссияси Миллатлар Совети депутатларидан биронтасига нисбатан сайлов натижаларини шубҳа остида қолдирадиган ҳеч қандай шикоят ва ариза олмади.

Миллатлар Совети мандат комиссиясининг таклифини кўриб чиқиб, 1979 йил 4 мартда барча сайлов округларида Миллатлар Советига сайланган 750 депутатнинг ваколатини тўғри деб топди.

Шундан кейин кун тартибининг навбатдаги масаласи — СССР Олий Совети Миллатлар Советининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шу билан Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси тамом бўлди.

* * *

Соат 14 да палаталарнинг мажлислар залида Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси очилди. А. П. Шитиков раислик қилди.

Иттифоқ Совети мандат комиссиясининг раиси **К. С. Демирчян**инг СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисидаги докладини тинглади. Докладчи таъкидладики, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов зўр сиёсий активлик ва меҳнат гайрати жўш уриб бир вазиятда, КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг Пленумлари белгилаган вазифаларни амалга ошириш учун, 1979 йилги ва умуман беш йиллик план топшириқларини бажариш учун кураш белгиси остида ўтди.

Совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга Мурожаатини, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқини зўр мамнуният билан қабул қилдилар. Ана шу ҳужжатларда партиянинг сиёсий платформаси баён этилган, мамлакат тараққиётининг асосий якунлари ифодаланган, коммунизм йўлидаги, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун кураш йўлидаги ҳаракатимизнинг истиқболлари белгилаб берилган.

Совет кишилари замонамизнинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик учун оташин курашчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев учун, Коммунистик партия билан Совет давлатининг бошқа раҳбарлари учун астойдил ҳурмат ва зўр ишонч туйғулари билан овоз бердилар.

Умуман Иттифоқ Советида ишчилар 270 киши. Депутатлардан 104 киши колхозчилардир. Ишчи ва колхозчилар биргаликда Иттифоқ Советида барча депутатларнинг деярли ярмини ташкил этади.

Депутатлар орасида 549 киши КПСС аъзоси ва аъзолигига кандидат, 201 киши партиясиз.

Депутатлар орасида 41 миллат намояндалари бор.

Докладда қайд этилганидек бўлиб ўтган сайловда Иттифоқ Совети 51,3 процент миқдорида янгиланди.

Иттифоқ Советининг мандат комиссияси барча сайлов округларида сайлов СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади.

Овозга қўйилган номзодларнинг ҳаммаси овозларнинг мутлақ кўпчилигини олдилар ва депутат қилиб сайландилар. Бирон бир округдан депутатнинг сайланганлигини шубҳа остига қўювчи ҳеч қандай шикоят ва аризалар сайлов комиссиялари билан Иттифоқ Советининг мандат комиссиясига тушмади.

Мандат комиссияси 1979 йил 4 мартда сайланган ва Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган барча 750 депутатнинг ваколатини тўғри деб топишни таклиф қилди.

Шундан кейин СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Палаталарнинг 15 та доимий комиссиялари сайланди.

Шу билан Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси ёпилди.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик техникаси Давлат комитети Бўстонлиқ район бирлашмаси коллективи Бутуниттифоқ ҳашарига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. 21 апрель куни бажариладиган ишлар аниқ-равшан белгилаб олинди. Шу куни 4,6 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 5 та «Д-108» двигатели ремонт қиликади. Ўнинчи беш йиллик фондига 1000 сўм маблағ ўтказилади. Бирлашма ишчи-хизматчилари ўз территориялари ва шу атрофдаги 2 минг погон метр ариқ-зовурни тозалаш, 400 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга аҳд қилдилар.

«Ҳўжакент» боғдорчилик-узумчилик совхози ишчиларидан 1210 киши ўз иш участкаларида ишлаб кунлик нормани ортиғи билан бажаради. Шу куниги иш ҳақидан 4067 сўм пул «Қизил шанбалик» ҳисобига ўтказилади.

* * *

БЕКОБОД шаҳри саноатчилари, бунёдкорлари, транспортчилари ва бошқа касб эгалари коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. 21 апрель куни 40 мингга яқин киши меҳнат байрамида иштирок этади.

Шанбаликда 580 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. 26,2 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, 39,1 минг тонна ҳалқ хўжалик юклари ўз манзилларига етказиб берилади.

Бекобод металлургларига шу куни ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнида юксак меҳнат унумдорлиги билан ишлашга қарор қилдилар. Ўша куни плондан ташқари 50 тонна пўлат, 30 тонна прокат, шунингдек, 5 минг сўмлик сирланган идишлар ишлаб чиқарилади.

Цемент комбинатининг коллективи ҳам бу кунга алоҳида тайёргарлик билан келмоқда. 1200 нафар ишчи-хизматчи жанговар меҳнат вахтасида бўлади ва плондан ташқари 160 тонна цемент, 7 минг шартли шифер плиталари ишлаб чиқаради.

Шаҳардаги тикувчилик фабрикаси, шаҳар қурилиши бошқармаси, темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинати, темирйўл ва автотранспорт ишлаб чиқариш бошқармаси коллективлари 21 апрелда иқтисод қилинган материаллар ҳисобига ишлашади.

16-автокорхонанинг бригада бошлиғи Ҳ. Абдужабборов икки беш йиллик топшириғини бир беш йилликда бажариш мажбуриятини олган. Меҳнат байрами куни у нормадаги 200 тонна ўрнига 400 тоннадан ортиқ халқ хўжалик юкларини ташишга аҳд қилди.

* * *

ЧИНОЗ районидаги меҳнаткашлари Москва корхоналари коллективларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига шанбалик ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватладилар. Саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз, совхоз коллективлари коммунистик шанбалик куни энг юқори меҳнат унумдорлиги билан ишлаб, иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилдилар.

Шанбаликда саноат корхоналари вакиллари 91,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз беришди. Бундан ташқари транспортчилар 24 минг тонна юкни ташиб беришга аҳд қилдилар.

«Қизил шанбалик»да 72 минг нафардан зиёд киши ободонлаштириш ишларида қатнашадилар. Район меҳнаткашлари шанбаликка тайёр бўлиб турибдилар.

М. МИРКАРИМОВ.

АҲДГА ЯРАША

Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози далаларининг чиройи бугун ўзгача. Кўм-кўк тусга кирган экин майдонларида меҳнат авжида. Мўл-кўл сабзавот, картошка ҳосили етиштириш ишқи билан ёнган миришкор деҳқонлар ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам юксак хирмон кўтариш учун ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Хўжаликда бу йил 160 гектар майдонга сабзавот экинлари, 30 гектарга картошка ва бошқа резаворлар экилган. Она Ватанга 4800 ўрнига 5000 тоннадан зиёд турли хил сабзавот маҳсулотлари армуғон этишга аҳд қилган деҳқонлар айни кунда эртаки экинларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

Баракали меҳнат эвазига 30 гектардаги картошка, 16 гектардаги бодринг, 15 гектардаги пиёз, 10 гектардаги сабзи гуркираб ўсмоқда. Экинлар шу кунгача биринчи ишловдан чиқарилиб, уларга икки марта сув таралди.

Тажрибали деҳқон, моҳир механизатор Маннон Отахожиев бошлиқ 4-бригада ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Сабзавот экинларини механизация ёрдамида парвариш қилишда бригадирнинг ўзи кўпчиликка намуна бўлаяпти. У трактор рулини бошқариб, 10 гектардаги картошка, 10 гектардаги эртаки карамни дастлабки сифатли ишловдан чиқарди. Унинг ҳамкасб дўстлари Обид Мирсолиҳов, Вали Жумадимов, Абдураҳим Убайдуллаевлар ҳам экинларни озиқлантириш ва парваришлашда юксак самарадорликка эришдилар.

— Эл дастурхонига бир йилда икки йиллик план миқдорида, яъни 500 ўрнига 1000 тонна сабзавот маҳсулотлари армуғон этамиз! М. Отахожиев бошлиқ бригада аъзоларининг ана шу юксак аҳдга яраша унумли меҳнат қилишаяпти.

— Колхоз маъмурияти илғорлар тажрибасини кенг ёйиш барча экинларни механизацияга таянган ҳолда парваришлашга катта эътибор бермоқда,— дейди хўжалик бош агрономи Комил Ҳусанов.— Ленин ва Ҳурмат Белгиси ордени кавалери Зуҳир Юсуфов, Акмал Асқаров, Тоҳир Одилов бошлиқ бригадаларда ҳам экинлар намунали парвариш қилинмоқда. Мазкур бригадаларда помидор экиш ҳам бошлаб юборилди. М. Отахожиев бошлиқ бригада аъзолари эса, помидор экишни тамомладилар.

Ҳ. ШАРИПОВ.

Ғазалкент алоқа узели муддатидан бир йил олдин фойдаланишга топширилди. Бу ерда 2 минг ўринли АТС монтаж қилинди. Эндиликда узел орқали бир пайтда 120 шаҳарлараро телефон алоқаси олиб бориш мумкин.

Суратларда: АТСнинг автомат-линия зали. Инженерлар Ш. Сафаралиева ва Н. Қорабоев. Алоқа узелининг янги биноси.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).



УСТОЗ

Андрей Никитович бугун ишга одатдагидек барвақт келди. Дастгоҳини ишга солди. Орадан бироз вақт ўтгач цехга бирин-кетин хамкасблари, шофёрлар, идора ходимлари кириб келишди. Кўлларида гул, юзларида табассум. Бугун Андрей Никитович Нагорний туғилган кунига 70 йил ва меҳнат фаолиятига 50 йил тўлган эди. Уни қизғин табриклашди. Юбилярнинг ҳали ажин қоплаб улгурмаган юзларида кувонч ифодалари, кўзларида миннатдорчилик ва севинч ёшлари қалқиди...

— Ёшлик! Ёшлигим ҳақида нима десам бўлади. Бизнинг болалик бахтли бўлмаган, бизнинг ёшлигимиз...— биз билан сухбатлашаётган Андрей Никитовичнинг кўзларига ёш қалқиб, юзларида ҳаяжон сезилди.— Етим ўсганимданми, сал ҳаяжонлансам кўзимга ёш келади. Бизнинг болалигимиз ҳақида шоиримиз Ғафур Ғулом боплаб ёзиб қўйган:

Етимлик нимадир
Бизлардан сўра,
Унинчи йилларнинг
Саргардонлиги...
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.
Ота-онаси у гўдаклигида ёқ вафот этишган бўлиб, етим колган болаларни таниш-нотаниш лари ўз боқимига олишди. Андрейни эса у туғилган донбасслик шахтёр Нагорний оиласи ўз багрига олди. Меҳрибон кишилар эди, улар. Ўз ота-онасидек меҳр билан қарашди унга, ўзларининг тўрт фарзандлари қаторида ўқитмай улғайтирдилар. Ҳайрият, бу хонадон бахтига ҳам кўплаб ишчи-деҳқонлар қатори бахт қуёши балкиб чиқди. Шонли Октябрь ёш Андрей ҳаётида нурли из қолдирди.

Гражданлар урушида оғир жароҳатланган отасининг ўрнини эндигина 17 ёшга тўлган Андрей эгаллади. Бутун авлоди шахтёр бўлган оиланинг шонли анъанасини давом эттиришга қатъий бел боғлади, у.

30-йилларда ажойиб ташаббус билан майдонга чиқиб, бутун мамлакатга машҳур бўлиб кетган афсонавий шахтёр Алексей Стаханов билан бирга ишлашга мушарраф бўлди.

Улуғ Ватан уруши бошланган куниёқ кўнгилли бўлиб ариза берди. Мамлакат учун бу даврда кўмирдан ҳам мухимроқ нарса ҳарбий саноатни ривожлантириш эди. Малакали ишчини заводга юборишди. Шу сабабли «Ростсельмаш» заводида токарь бўлиб ишлай бошлади. Бутун мамлакат ҳарбий изга тушган. «Ростсельмаш» ҳам фронт учун маҳсулот тайёрлади Завод шу йил кузидаёқ ўрта Осиёга кўчирилиб, Тошкент Нагорний учун иккинчи қадрдон гўша бўлиб қолди. Коммунист ишчи сменада учтўрт норма ишни уддалаб, кўпларга ўрнак бўларди.

— Баъзида бутун тун бўйи заводда колиб ишлашимизга тўғри келарди,— эслайди А. Н. Нагорний.— Ўша йиллари ҳамма кўлида борини фронтга беришга тайёр эди. Тезроқ ғалаба килишимиз ҳаммамизнинг муштарак мақсадимиз эди!

Урушдан кейинги тикланиш йилларида Андрей Никитович қурилиш соҳасида ҳам фидокорона тер тўкди. 1950 йилдан эса Тошкент техника асбоб-ускуналари заводида токарь бўлиб ишга кирди.

— Ҳаёт кишини турли йўлларга соларкан. Бир вактлар ота касбини мен ўзим учун қонуний касб, уни давом эттиришни шараф деб билардим. Лекин, тақдир тақозоси туфайли станокда ишлашга ўтган эканман, бу дастгоҳ мен учун бир умр азиз ҳамроҳ бўлади, деб ўйлагандим. Дастгоҳ билан тиллашиб, унинг сир-новик «сир»ларини ўрганиб, кунт билан эгаллаб олган эдим. Заводда биринчи рационализаторлик таклифим маъкул тушганида бошим осмонга етган эди...

Ҳозир А. Н. Нагорнийнинг шахсий ҳисобида 7 та рационализаторлик таклифи учун берилган гувоҳнома бор. Буларнинг деярли ҳаммаси заводда ишлаб чиқаришга жорий килинган.

Завод маъмурияти ва коллектив 1970 йилда кекса коммунистни зўр тантана билан пенсияга узатиб кўйди. Бу вактда фарзандлари турли томонга учирма бўлишган. Ўғиллари Сергей ва Алексей ҳамда иккала кизи шаҳарнинг турли бурчакларида қад тиклаётган кўркам биноларни қуришда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишарди.

— Бутун умри кизғин иш жараёнида кечган киши учун уйда ишсиз ўтиришдан кийини йўк экан. Атиги ярим йил чидадим. Хотиним ҳам аксига олиб пенсияда. Кунлардан бир кун, бахтимни қарангки, ҳамкасбларим уйимга келиб, агар истасангиз сизбоп иш топиб берамиз. Ҳам зерикмайсиз, бир томони ёшларга ҳунар ўргатасиз», деб қолишди...

Шундай қилиб яна дастгоҳ, яна севимли иш... Уни «Узспецводдренаж» трестининг областдаги колоннаси автобазаси устахонасига биркитишди. Янги ташкил топган коллектив, ҳали курилмаган дастгоҳлар, ҳунар орзусида юрган ёшлар... Бу иш у учун, меҳнат кўзини билган кекса учун чўт эмасди. Омонбой Қурбонов, Григорий Белов каби ёшларга токарлик касби сирларини қунт билан ўргатди.

— Ҳақиқатан ҳам бизда ўз ишининг моҳир устаси ишлайди,— дейди кўп йиллардан бери корхонада машина рулини усталик билан бошқараётган Зохид Шукуров.— Машиналар учун эҳтиёт қисмлар керак пайтда ё топилади, ё йўқ. Омборма-омбор юришга вакт кетади. Шундай пайтда Андрей Никитович бизнинг мушкулимизни осон қилади. Беш дақиқада мўъжаз қўллар сиз истаган детални тайёр қилади. Қолипдан чиқандай ял-ялтилигини кўриб севиниб кетасиз.

Коллектив кекса, аммо калби ёш, ишлаб толиқмас Андрей Никитовичнинг самарали меҳнатидан мамнун. Шунинг учун ҳам катта-кичик ҳамма уни зўр ҳурмат-эҳтиром билан устоз деб атайди. Тажрибали токарь шу муқаддас шарафли ишончни оклаётганлиги билан ҳақли равишда фахрланади.

Р. ҲАСАНОВ,
«Узспецводдренаж» трести Тошкент область нхтисослашган кўчма механизация колоннаси ишчиси.

ҚЎРИҚ ҚАҲРАМОНЛАРИ ЁНИМИЗДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» асарини газеталарда босилиб чиққан кунлардаёқ зўр иштиёқ билан ўқиб чиққан эдим. Асар алоҳида китоб сифатида нашр этилгандан кейин менинг ҳамроҳим бўлиб қолди.

«Қўриқ» фақат Қозоғистон чўлларини ўзлаштирувчилар ҳақида эмас Л. И. Брежнев ўз хотираларида таъкидлаганидек, «Қўриқ» Қозоғистон ва Олтой даштларигина эмас, Сибирнинг тайгаси, Шимолнинг тундраси, Ўрта Осиё саҳролари ҳам қўриқ ерлар ҳисобланади».

Асарни варақлар эканман, районимизда янги ерларни ўзлаштиришда жонкуярлик қилган ҳақиқий қаҳрамонлар жасорати кўз ўнгимда намоён бўлади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров, унинг ҳамкишлоғи Эшбой Зокиров, «Гулистон» колхози правлениесининг раиси Исліддин Ҳайдаров, район суғориш тармоқлари бошқармасининг собиқ бошлиғи, марҳум Ямин Абдулхаев ва бошқалар биринчилардан.

Тошкент канали қурилишида иштирок этган Тельман номли колхоз аъзоси Эшбой Зокиров 1,5 куб метр ўринга 21,8 куб метрдан тупроқ қазиб чиқариб, кунлик нормани бажаришда ҳамма ҳайратга солди. Канал қурилишида Эшбой Зокиров билан бирга меҳнат қилган Ҳакимполвон Қодиров ҳам инсон қудрати нималарга қодир эканлигини амалда исботлади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров етакчилик қилаётган бригадага Улуғ Ватан урушидан кейинги дастлабки тикланиш йилларида одам ўтиб бўлмайдиган тўқайзорлардан 20 гектар майдон ажратиб берилди. Тўқайга ҳужум бошлаган бригада шижоаткорлари бир неча йилда экин майдонини 125 гектарга етказиб, йил сайини мўлкўл «оқ олтин» ҳосили етиштира бошладилар.

Майда хўжаликларни бирлаштирган «Гулистон» колхози 1950 йилда 400 гектардан сал ортиқроқ пахта майдонига эга эди. Колхоз правлениеси раиси Исліддин Ҳайдаровнинг хўжаликка ишнинг кўзини билиб, моҳирлик билан раҳбарлик қилиши натижасида пахта майдони 1000 гектарга етказилди. Эндиликда бу майдонларда ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Хўжаликнинг қирлик зонасида 600 гектар майдонни экинзорга айлантириш ташаббускорлари бўлган Исліддин Ҳайдаров ва район суғориш тармоқлари бошқармасининг собиқ бошлиғи, марҳум Ямин Абдулхаевлар меҳнати таҳсинга лойиқдир. Қарийб ўттиз йил район суғориш тармоқлари бошқармасига бошчилик қилган Ямин Абдулхаевнинг кунлик иш соати чекланмаган эди.

Тошлоқ зонадаги экинларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш мақсадида каналларни реконструкция қилиш ва бетонлаш ишига бош-қош бўлди. Урушдан кейинги даврда районимизда илгари тўқай ва тошлоқ сифатида ташландиқ бўлиб ётган 5 минг гектардан зиёд майдон экинзорга айлантирилди.

Янги ерларни ўзлаштирувчилар ҳақида ўйлар эканман, «Қўриқ» асаридаги қуйидаги сатрлар ёдга тушади. «Одамлар заминда ғалла ўстирдилар, замин эса одамларни камол топтирди».


Дарҳақиқат фақат ташландиқ бўлиб ётган ерлар ўзгармади, унинг бағрида одамлар ҳам камол топди. Пискентлик Азиз Чахалов, Малик Қўзиев, Пўлат Худойқулов, Ҳамид Шоматов, Эгам Мамиров, Ўринбой Муборақов, Манноп Мусаев ва бошқалар ўз шижоатли меҳнатлари билан партия, Ватан ва халқимиз олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг китобий 1978 йилда районимиз «оқ олтин» ижодкорларига катта мадад бўлди, пахтакорларимизнинг ғайратига-ғайрат қўшди, ғалабага бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Мураккаб вазият рўй берган йилда район партия ташкилоти хўжалик ишларига оператив раҳбарлик қилиб, кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтирди. Она-Ватан пискентликлардан 41,4 минг тонна жавоҳир қабул қилиб олди.

Янги ерларни ўзлаштириш ғоят катта хўжалик ва сиёсий аҳамиятга эга эканлиги «Қўриқ»да таъкидланган эди. Асар барча соҳет кишилари қатори районимиз меҳнаткашларини ҳам халқ хўжалиги вазифаларини ижобий ҳал этишга илҳомлантирмоқда.

Мажид САМАДОВ,





Султон Сегизбоев номли совхоз миришкорлари Оққўрғон районида биринчи бўлиб чигит экишни тугалладилар. Хўжалик пахтакорлари дала ишларини ишпатоволиклар методи асосида ташкил қилганликлари туфайли бу муҳим мавсум тез ва соз ўтказилди. Айни кунларда сифатли экилган барака уруғи бир текис унib чиқаётир. Яқинда жамоатчи фотомухбир Ҳ. Аввалов совхознинг 2-бўлимидаги мусобақадош Дурсунов ва Нафасов ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаси далаларида бўлиб, пахтакорларни иш устида суратга олди. Суратларда: (чапдан) юқори ҳосилли мусобақадош бригада бошлиқлари барака уруғи сифатини кўздан кечиришмоқда; далаларда чигит экиш уюшқоқлик билан ўтказилди.

БИЗ ҲАМ МАДАДКОРМИЗ

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олган областимиз механизаторлари айни кунларда экиш-тикиш ишларини жадал суръатлар билан давом эттираётирлар. Мана шундай масъулиятли бир пайтда бошқармамиз ҳизматчилари ҳам дала механизаторларига мададкор бўлмоқдалар. Улар халқимиз саломатлигини сақлаш, деҳқонларни ўз вақтида турли хил дори-дармонлар билан таъминлаш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширишмоқда.

Бошқармамиз ҳамда область шаҳар ва районларидаги дорихоналар хизматчилари қишлоқ меҳнатчиларини бевосита иш жойида турли хил дорилар билан таъминлашга алоҳида эътибор беряптилар. Шу кунгача область хўжаликлари дала шийпонларига 15 мингдан зиёд аптечка тарқатилди. Бундан ташқари дала ишларига жалб этилган 3600 та техника воситаси махсус аптечкалар билан таъминланди.

Дала шийпонлари, машина-трактор парклари ва экиш ишлари олиб борилаётган ерларда кўчма дорихоналар ташкил қилдик. Областимиз бўйича дорилар билан таъминланган 19 та махсус автомашина ана шундай хизматларни ўтаяпти. Шаҳарлар дорихоналарининг ходимлари қишлоқ районларини оталиққа олишлари анъанага айланиб бормоқда. Олмалиқ шаҳри шифокорлари, Пискент райони, янгийўлликлар Чиноз райони, чирчиқликлар Ўрта Чирчиқ райони, ангренликлар эса Бўка районн меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатиб яхши натижаларни қўлга киритишмоқда.

Бошқармамиз ходимлари тез-тез районларда бўлишиб, аҳоли ўртасида қизиқарли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Жумладан, яқинда бир группа мутахассисларимиз Оққўрғон, Чиноз, Бекобод районларида бўлишиб, «Дорилардан уй шароитида фойдаланиш ва уларни сақлаш», «Янги препаратлардан фойдаланиш» деган мавзуларда суҳбатлар ўтказишди.

Областимиз дорихоналарини замонавий медицина мебеллари, асбоб-ускуналари билан таъминлаш, мавжуд дорихоналарни капитал ва жорий ремонтдан чиқариб, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Ҳозир областимизда 178 та дорихона, 525 та дорихона пункти, 68 та дорихона киоски ва филиаллари аҳолига юксак даражада медицина хизмати кўрсатаётир. Биз бу йил яна олтита дорихона очиш ва ишга туширишни мўлжалламоқдамиз.

Бошқармамиз ходимлари ўтган йил якунларига кўра СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва соғлиқни сақлаш ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олишга сазовор бўлдилар. Байроқ бизни янги марраларга чорлаётир. Халқ саломатлигини сақлаш йўлида бундан буён ҳам ғайрат-шижоат билан меҳнат қиламиз. Қишлоқ меҳнаткашлари билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаб, ҳамиша уларга мададкор бўламиз.

Ҳ. ДАВЛАТОВ,
область ижроия комитети дорихоналар бошқармасининг бошлиғи.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ҚАДИМИЙ СУРИЯНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

СУРИЯ бой тарихга эга бўлган мамлакатдир. Унинг тупроғида ўнлаб давлатлар юзага келиб, емирилиб кетган. Мамлакат румоликлар ҳукумдорлари, салб юришларини бошидан кечирган. 400 йил давомида эса Усмоний турклар империяси зулми остида эзилган. Бизнинг асримизда 20 йилдан кўпроқ вақт давомида Франциянинг мустамлакаси эди. Сурия халқи озодликка бўлган ўз ҳуқуқи учун мардонавор курашди, эркинликни қўлга киритиб, ўз тарихида янги бир саҳифа очди.

Суриянинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қиёфаси 1963 йил март ойида содир бўлган воқеалардан сўнг анча ўзгарди. Мамлакатда ҳокимият тепасига Араб Социалистик уйғониш партияси келди. Бу партия кенг социал-иқтисодий ўзгаришлар йўлидан борди. Шу йўлда 16 йил мобайнида кўпгина ишлар қилинди.

Сурия пойтахтидаги ўзгаришлар ҳам бундан далолат бериб турибди, уларни ҳар қадамда кўриш мумкин. Қадимий Дамашқ шаҳрини янги турар-жой кварталлари, кенг автомобиль йўллари, йирик спорт комплекслари безаб турибди.

Ўзгаришларнинг ташқи белгилари бутун Сурия ҳаётидаги чуқур жараёнлардан дарак бермоқда. 1966 йилда мамлакатда ер ислоҳоти амалга оширилиб, феодалларнинг мутлақо ҳукмронлигига чек қўйилган эди. Араб Социалистик уйғониш партияси «Ер —ишлаганники» деган шиорни ўртага олиб сурди. Феодаллар қўлидаги 1,5 миллион гектардан ортиқ ер тортиб олиниб, 120 мингдан ортиқ деҳқон хонадони ўртасида бўлиб берилди. Республикада 2 мингга яқин қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг тахминан 40 процентн шу кооперативлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бироқ, ҳозиргача йирик заминдорлар экин экиладиган майдонларнинг 12 процентга яқинини ўз қўлида сақлаб турибди.

Евфрат сув иншооти ишга туширилиши билан қишлоқ хўжалигида техникавий революцияни, социал ўзгаришларни янада кенгроқ амалга ошириш учун муҳим замин яратилди. Агар 1970 йилда Сурияда 780 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинган бўлса, 1980 йилга борib у 8 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Энергетика базасининг кенгайиши Сурияни индустриаллаштириш программасини амалга ошириш, тўртинчи беш йиллик (1976—1980 йиллар) планни бажариш учун тегишли шарт-шароит яратиб беради. Мазкур планда саноат ишлаб чиқаришини ҳар йили 12 процентдан (яъни, аввалги беш йилликдагига нисбатан 1,5 баравар кўп) ўстириб бориш кўзда тутилмоқда.

Иқтисодий тараққиёт Сурия халқи фаровонлигининг ўсишига йўл очиб беради. 1970 йилдан 1975 йилгача Сурия жамоат ташкилотлари йўли билан мунтазам делегациялар алмашиш йўлга қўйилган.

Суриянинг Совет Иттифоқи билан тобора кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалари Сурия тупроғида тараққиёт ишига кўп йиллардан бери хизмат қилиб келмоқда. Саҳродан тортиб олинган ерда деҳқончилик қилаётган Евфрат воҳасининг деҳқонлари совет мутахассисларини номларини эсда сақлаб қолганлар. Шимолий-шарқда жойлашган узоқ вилоятларнинг аҳолиси ҳам мутахассисларимизни тез-тез эслаб туришади. Бу вилоятлар эндиликда темирйўл орқали саноат районлари ва денгиз қирғоқ бўйи билан чамбарчас боғланди. Сурия учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур иншоотларни бунёд этишда СССРдан келган мутахассислар иштирок этишди. Эндиликда ўнлаб совет кишилари Сурия нефть саноатини ривожлантиришда ёрдам бермоқдалар, Сурия халқ хўжалиги турли соҳалари учун малакали кадрлар тайёрламоқдалар.

Суриянинг ҳатто энг чекка бурчакларида ҳам шундай бир кишини топиш амри маҳолки, у Совет Иттифоқининг Сурия экономикасини ривожлантиришга ҳиссса қўшаётганлигини, унинг Сурия халқининг ўз мустақиллиги учун, Исроил босиб олган ерларни қайтариб олиш учун курашини СССР ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётганлигини билмаган бўлсин.

«Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ танглигига нисбатан ўтказаётган сиёсати ҳаммага равшан ва тушунарлидир, — деди АПН мухбири билан суҳбатда Сурия Араб Республикаси Халқ Кенгашининг раиси Маҳмуд Ҳадид. — Бу сиёсат бизнинг регионимизда вазиятни чуқур тушунишга асосланган, ҳамда Яқин Шарқ халқларининг босқинчига қарши курашини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Бизнинг содиқ дўстимиз Совет Иттифоқи билан ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш — араб миллатининг кучи ва душман устидан ғалабасининг гарови ана шундадир».

А. ЦИБИЗОВ,
Дамашқ, АПН ўз мухбири.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Араб республикасининг миллий даромади 6 миллиарддан 22 миллиард сурия фунтига кўпайди, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад шу вақт ичида қарийб 3 баравар ошди.

Сурияда мамлакат сиёсий ҳаётини демократлаштиришга катта эътибор берилмоқда. 1972 йилда Прогрессив Миллий фронт тузилди, унинг составига ҳукмрон Араб Социалистик уйғониш партияси билан бирга Сурия Коммунистик партияси, Араб Социалистик Иттифоқи ва бошқа демократик ташкилотлар киради. Мамлакат меҳнаткашларининг сиёсий ҳаётда қатнашувини кенгайтириш йўли 1973 йилда қабул қилинган республика Конституциясида мустаҳкамланди.

Араб Социалистик уйғониш партияси бир неча йилларданбери КПСС билан мустаҳкам алоқаларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу алоқалар сиёсий соҳада Совет—Сурия ҳамкорлигининг янги формасидир. СССР Олий Совети билан Суриянинг олий қонун чиқарувчи органи — Халқ Кенгаши ўртасида алоқалар ривожланмоқда. Касаба союзлар, ёшлар, хотин-қизлар ва бошқа

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

Корхона ҳовлиси ўзра чўзилиб кетган пўлат изда ўнтача платформа турибди. Уларга вагон-уйлар ортилган. Эндигина қўлдан чиққан, оч яшил рангга бўялган бу кўчма уйлар қуёш нурида товланади. Улар борадиган манзиллар турли-туман. Қардош Россия Федерациясининг ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириб, бу ерда боғу-бўстон яратишга ҳисса қўшишга отланган Ўзбекистонлик мелиораторлар, Қарши, Сурхон-Шеробод чўлларини поёнсиз пахтазорларга айлантираётган забардаст билакли чўлқуварлар. кўпдан-кўп ирригация иншоотлари барпо этиб, асрлар давомида қақраб ётган ерларга оби-ҳаёт келтираётган, сув ҳавзалари бунёд этаётган замонамиз фарҳодларига жуда асқотаяпти бу уйлар. Улар учун бошпана, устахона, идора вазифасини бажармоқда.

— Шундай тайёр уйларни олаётган мижозларимиз ўттизга яқин, — дейди Тошкент ғамрика механика ремонт-экскаватор заводи директори Раҳим Ғофурович Ҳасанов. — Унга талаб эса тўхтовсиз ортиб бораяпти. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч йилидаёқ сал кам икки мингта кўчма уй ишлаб чиқардик. Бу йил ҳам юзлаб шундай уйлар тайёрлаймиз.

Корхона коллективи ремонт ишлари ҳажмини ҳам тобора кенгайтириб бормоқда. Ўтган биринчи кварталда чўмичи ҳажми бир кубометрли ўнлаб экскаваторлар қайта тикланди, уч юзга яқин қувватли дизель двигателлари ремонтдан чиқарилди. Ишчи-хизматчилар ўнинчи беш йилликнинг тўрт йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кун сайини авж олдирмоқдалар. Унда иштирок этаётган ишлаб чиқариш пешқадамлари меҳнатда ҳаммага намуна бўлишяпти.

Шундай илғорларнинг бири Носир Исамўхамедов бошчилик қилаётган дурадгорлар бригадасидир. Бу кичик, аҳил ва иноқ коллектив ҳақида ким билан суҳбатлашманг, фақат илиқ сўзлар эшитасиз. Дурадгорларнинг ғайрат-шижоатга тўла меҳнати, сидқидилдан қилаётган иши, вазифаларига виждонан муносабатда бўлаётганликларини миннатдорчилик билан айтишади.

Ўз сафига турли миллат вакилларини бирлаштирган бу бригада мусобақада доим мукофотли ўринларни эгаллаяпти. Бирор ой йўқки, мусобақа ғолиблари сафидан жой олмаган бўлса. Кўпинча биринчи ўринни эгаллайди. Дурадгорлар миқдор кетидангина қувишмайди, ишнинг сифатига ҳам алоҳида аҳамият беришади.

Илғор коллектив республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бўйича ташкил этилган бригадалараро меҳнат беллашувида ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили якунлари бўйича республикада энг юқори кўрсаткичга эришди. Топшириққа мувофиқ 396 та вагон уй ишлаб чиқариш лозим бўлгани ҳолда бригада аъзолари 455 та тайёрладилар. Бу зиммаларига олган социалистик мажбуриятдагидан ҳам ўн тўққизта ортиқдир. Ишнинг сифат кўрсаткичлари ҳам юксак бўлди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига меҳнат унумдорлиги деярли 15 процент ортди. Шундай ютуқлар эвазига коллектив министрликнинг энг илғор бригадага бериладиган вимпелини олишга сазовор бўлди.

Бригада аъзолари шу кунларда ҳам яхши кўтаринкилик билан меҳнат қилишяпти. Кундалик иш кўрсаткичлари 125—130 процентни ташкил этмоқда. Йил бошидан бери топшириқдагига қўшимча ўнта вагон уй тайёрлашди.

— Ютуқларимизнинг гарови аҳиллик ва иноқликда, — дейди бригада бошлиғи Носир Расулович. — «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун!» — бизнинг меҳнат шиоримиз шундай. Ҳаммамиз шунга амал қиламиз, бизда бу сенинг ишинг, бу менинг ишим деган ган йўқ. Дурадгорларимиз айни вақтда қайси юмуш зарур бўлса шуни бажарадилар. Улар вагон уйларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча операцияларни яхши билишади.

Корхона цехларида ўнинчи беш йиллик шахсий нормасини бажарган, меҳнат календарида кейинги беш йилликнинг биринчи, иккинчи йиллари бошланиб кетган ишчилар сафи тобора кенгаймоқда. Қуюв цехи ишчиси Махсут Камолитдинов заводда биринчилар қатори ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот бера бошлади.

М. Камолитдиновнинг касби қуювчилик, яъни эритилган металлни қолипларга қуяди. Унинг вазифаси анча мураккаб ва масъулиятли. Эритмани оби-тобида, бир граммини ҳам нобуд қилмай қолипларга қуйиш ишчидан маҳорат, синчковлик, ниҳоятда аниқлик билан ишлашни талаб этади. Улар Махсут ака тўла мужассамлашган. Шунинг учун ҳам смена давомидаги иш кўрсаткичлари ўртача 210 процентни ташкил этмоқда, кўплаб металлни тежаб қолмоқда.

— Нонинг увоғи ҳам нон деганларидек, металлнинг миқоли ҳам металл,— дейди қатъий оҳангда Махсут ака Камолитдинов. — Ахир, у не-не машаққатлар билан тайёрланади. Шундай экан уни тежаб-тергаб сарфлаш ҳар биримизнинг виждон бурчимиз бўлиши керак.

Шу кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига ишлаётганлар қаторида фрезерчи Рашид Нигматуллин, слесарлардан Виктор Генрихович Мейер, Мина Кондратьевна Сайбель, токарь Олег Поликарпович Митрофанов, металл қирқувчи Кагай Эминович Қориев ва бошқа ишчилар ҳам бор. Ўз касби шонуҳратини ошираётган, унумли ва сифатли ишлаш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намунасини кўрсатаётган бу фидокор ишчилар коллектив байроқдорлари ҳисобланишади. Улар ўз намуналари билан касбдошларини ҳам самарали ва сифатли ишлашга ундамоқдалар.

М. МАҲМУДОВ.

ҲОРМАНГ, ЙИГИТ

Қишлоқда дув-дув гап. Ҳамманинг оғзида Қўчқорнинг номи.

— Эшитдингизми, Қўчқор сигир соғаётган эмиш.

— Қайси Қўчқор?

— Сут соғувчи Зулайҳо опанинг ўғли-да.

— Яқинда ҳарбий хизматдан қайтган ўғли-я?!».

...Унда чорвадорлик касбига ҳавас эрта уйғонди. Мактабда дарслар тугаши билан Қўчқор уйга келарди-ю, апил-тапил овқатланиб, колхоз сут-товар фермасига, сут соғувчи бўлиб ишлаётган онаси Зулайҳо опанинг олдига шошиларди. Сигирларга ем-хашак тарқатишда, уларни соғишда онасига ёрдамлашарди.

— Дастёрингиз чакки эмас,— дейишарди Зулайҳо опага ҳамкасблари Қўчқорнинг тиришқоқлигини кўриб. — Дурустгина чорвадор чиқадиган кўринади ўғлингиздан.

Уларнинг башорати тўғри чиқди. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, қўлига етуклик аттестатини олган Қўчқор Тўйчиев касб танлашда қайналиб ўтирмади.

Колхоз сут-товар фермасига ишга келган йигитни бузоқбоқарликка тайинлашди. Ўқувчилик кезларидаёқ фермага келиб-кетиб юриб, кўзи обдан пишиб қолганлиги унга иш берди. Қўчқорнинг дастлабки кунларданоқ ишга астойдил киришганлиги, вақтида овқатлантириб, парваришини жойига қўйганлиги туфайли ёш бузоқлар яйраб ўсиб, жадал семира бошладилар.

Қўчқор Совет Армияси сафларида йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, яна фермага келиб, бузоқбоқарликни давом эттира бошлади. Кейинроқ эса сут соғувчи бўлиб ишлашга қатъий қарор қилди.

Қўчқорга 16 бош сигир ажратиб берилди. Тўғри дастлабки пайтларда унга соғувчилик осон бўлмади.

— Соғиш аппаратини ишлата олмай роса хуноб бўлганларим эсимда,— кулади Қўчқор илк бор сигир соға бошлаган кезларини эслар экан.— Бунинг устига қишлоқдаги ҳар хил гапларни айтмайсизми?!

ЛАВҲА

Лекин қийинчиликлар Қўчқорни чўчита олмади. Билмаганларини Мунаввар опа Отахўжаева, Қумри опа Абдурахматова, Музофат опа Юнусова, Жамила Асхўжаева каби тажрибали сут соғувчилардан сўраб ўрганишдан тортинмади. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти «Красний водопад» таянч-тажриба хўжалигининг донгдор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати Анастасия Чудналнинг илғор тажриба мактабида ўқиш Қўчқорга сут соғувчилик сирларини мукаммал ўрганиб олишда катта ёрдам берди.

Соғувчи йигитнинг ғайрат-шижоати, тиришқоқлиги, ўқиб-ўрганиш ўз самарасини берди, албатта. У дастлабки йилдаёқ ўзига биркитилган говмшларнинг ҳар биридан 4241 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олди.

Дастлабки ютуқдан руҳланган Қўчқор Тўйчиев ўтган йили сигирлар сонини 20 бошга етказди ва уларнинг ҳар биридан 4779 килограммдан сут соғиб олиб, социалистик мажбуриятини ортиғи билан ўринлади.

— Беш йилликнинг тўртинчи йилида янги марраларни кўзламоқдаман,—дейди сут соғувчи йигит. Қарамоғимдаги говмшлар маҳсулдорлигини 5000 килограммга етказиш мажбуриятини олиб меҳнат қиляпман.

Аҳди борнинг, бахти бор, дейдилар. Қўчқор ҳам ўзининг юксак ваъдасига яраша меҳнат қиляпти. У йилнинг уч ойи мобайнида боқимидаги ҳар бир сигиридан ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 70 килограммдан кўп сут соғиб олди.

Ийлингиз тушиб, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози сут-товар фермасида бўлиб қолсангиз, соғиш аппаратини кўтариб олган ўрта бўйли, қотмадан келган йигитга кўзингиз тушади. Бу ушбу лавҳамиз қаҳрамони, илғор сут соғувчи Қўчқор Тўйчиевдир.

М. ПЕЙСЕНОВ.

БАЙРАМНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ҚОБУЛ, 18 апрель. (ТАСС мухбири). Афғонистон Демократик Республикасининг барча меҳнаткаш халқи шу кунларда мамлакат тарихида бурилиш нуқтаси бўлган 27 апрель революциясининг бир йиллигини тантанали равишда нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ишчилар союзи Раиси М. А. Шафақ ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: мана шу байрамни муносиб равишда кутиб олиш ҳаракатида турли касбдаги 170 мингдан ортиқ ишчини бирлаштирган Афғонистон ишчилар союзи муҳим роль ўйнамоқда. Бизнинг ташкилотимиз, деб таъкидлади у, ишчиларни Апрель революцияси ғояларига садоқат руҳида тарбиялашнинг ҳақиқий мактабидир. Апрель революцияси Афғонистонда кишини-киши эксплуатация қилишидан ҳоли бўлган янги жамият қуришни ўзининг асосий мақсади, деб эълон қилди. Барча корхоналарда ва турли муассасаларда тузилган касаба союз ташкилотлари ички ва ташқи реакция кучларига қарши курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқда. Ички ва ташқи реакция мамлакатда революциянинг ривожини секинлаштиришга ва ҳатто уни орқага буриб юборишга ҳар қандай воситалар билан уринмоқда. Афғонистоннинг ёш ишчилар синфи ишлаб чиқаришда зарбдор меҳнат қилиб, шу билан империализм хомиларига қатъий зарба бермоқда.

Мамлакат меҳнаткашлари касаба союзларининг даъватига биноан текин меҳнат қилиш умумхалқ ҳаракатига актив қўшилдилар. Мамлакатда қарийб 1 миллионга яқин меҳнаткаш бу ҳаракатда иштирок этмоқда. Мана шу ватанпарварлик ҳаракатининг иштирокчилари мактаблар, касалхоналар, уй-жой бинолари қуришда, шаҳар ва посёлкаларни обод қилишда халқ давлатига ёрдамлашиш учун бўш вақтларида текин ишлаб бермоқдалар. Шу ҳаракат давомида ишланган бутун меҳнат ишчилар синфидан Апрель революцияси бир йиллиги шарафига совға тариқасида давлат фондига топширилмоқда.

Л. БИРЮКОВ.

«ЭРКИН ДУНЁ» ЭМИШ...

Нью-Йоркдаги «Кеннеди» аэропортида Америка Қўшма Штатлари тарихида энг йирик ўғирлик юз берди. Америка «Тайм» журналининг хабар беришича, ниқобланган олти киши олиб қочган «Форд» усти берк юк машинасида унча катта бўлмаган бир қавати «Люфтганза» — немис авиакомпаниясининг юк бўлими олдида тўхташган. Босқинчилар фан ва техниканинг сўнггги ютуқлари асосида қўрикланаётган бинога бостириб киришди.

Тунгги сменадаги ишчи ва хизматчиларни ушлаб қўлларига кишан солишди ва ерости омборига ҳайдаб тушишди. Худди шу ерда пистолет ўқталиб, омбор мудиридан пул ва бошқа қимматбаҳо бойликлар сақланадиган жойни очиб беришни талаб қилишди. Сўнг банди қилинганлар ёрдамида 6 миллион доллар миқдорида пул ва қимматбаҳо буюмлар машинага ортилди.

«Кеннеди» аэропортига пул ғарбий Берлиндан юборилган «Чейз мен хэттен банк»ига ўтказилаётганди.

ЁШЛАРНИНГ ФАХРЛИ ВАЗИФАСИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар комсомол комитетлари биринчи беш йилликлар даврида қурилган Тошкент тўқимачилик комбинатини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни оталиққа олишга қарор қилдилар. Бу қимматли ташаббус область партия комитети бюросида маъқулланди. Шундан сўнг тўқимачилик комбинатида Тошкент область комсомол комитетининг кўчма бюроси бўлиб ўтди. Бюрода район ва шаҳар комсомол комитетларининг секретарлари, бўлим мудирлари, комбинат фабрикалари, цехлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Бюро мажлисида тўқимачилик комбинати директори О. Бурхонов сўзга чиқди. Комбинатни реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш соҳасида тўқимачилар олдида катта вазифалар турибди. Яқин вақт ичида комбинатни енгил саноат корхоналари ўртасида яна ҳам юксалтириш, илғорлар даражасига кўтариш асосий мақсаддир. Бу вазифани ҳал этишда тўқимачилар комсомол ва ёшларнинг кучига таянадилар.

Биринчи беш йилликлар даврида комсомоллар республика енгил саноати тўғричи ҳисобланган шу комбинат қурилишида фидокорлик кўрсаттан эдилар. Улар биринчи беш йиллик қаҳрамонлари кўрсатган жасоратни давом эттириб, комбинатни реконструкция қилишда ва қайта қуроллантиришда муносиб ҳисса қўшадилар деб ҳамма ишонади.

Комбинат директорининг кадрлар бўйича ўринбосари З. М. Синкеевич корхонанинг шу кундаги фаолияти, ўтган беш йиллик қаҳрамонлари ҳақида гапирди, мажлис қатнашчиларини корхонадаги иш шароити билан таништирди.

Бюро мажлисида шаҳар ва район комсомол комитетининг секретарлари ҳам сўзга чиқишиб, комбинатни юксалтиришга барча ёшлар муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонтирдилар.

ЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

Кеча Тошкент, Сирдарё областлари ва Тошкент шаҳри матбуоти, телевидениеси ва радиоси журналистларининг жиддий зонал семинари бўлиб ўтди. Семинарда КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари олдида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар асосида социалистик мусобақани ривожлантириш юзасидан журналистлар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Семинарда республика ва область газеталари редакторлари, пропаганда, партия турмуши, саноат ва қишлоқ хўжалик бўлим мудирлари, Узбекистон телевидениеси ва радиосининг бош редакторлари, область телевидениеси ва радиоси редакциялари раҳбарлари ҳамда катта редакторлари, район газеталари ва радиоэшиттиришлари редакторлари, кўп тиражли газета ва журналлар редакцияларининг ходимлари, Тошкент область, шаҳар, район партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимм мудирлари иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон журналистлар Союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев очди.

Семинарда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев «Социалистик мусобақани ташкил этиш ва ёритишда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифалари», ТошДУ журналистика факультети доценти В. Қ. Абдуллаев «Мусобақани ташкил этишнинг ленинча принципларн ва оммавий ахборот воситалари», «Правда Востока» газетаси редактори Н. Ф. Тимофеев «Газета саҳифаларида социалистик мусобақани ёритиш форма ва методлари» тўғрисида докладлар қилдилар.

Семинарда республика радиоси пропаганда бош редакцияси бош редакторининг ўринбосари Б. М. Иткин, «Совет Узбекистони» газетаси информация бўлими мудири Т. Унабоев, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ф. Н. Нажмиддинов, «Сирдарьинская правда» газетаси редакторининг ўринбосари В. С. Магай, Тошкент шаҳри ва Тошкент области телевидениеси бош редакциясининг бош редактори И. Юсупов, В. И. Ленин номли Узбекистон металлургия комбинати кўп тиражли газетаси редактори А. Дегтяров, Янгийўл район радио эшиттиришлари редактори З. Ҳайдарова, Боёвут район «Ленин байроғи» газетаси редактори Х. Зикриллаев, ТошДУ журналистика факультетининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати М. Бобожонов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.



ТОШКЕНТ районидаги Навоий номли колхоз касалхонасида кўпгина малакали врачлар ишлайди. Улар доимо эл саломатлигини яхшилашга катта аҳамият бериб келишмоқда. Суратда: касалхона бош врачи Рихсихон Эргашева [ўнгда] ва ҳамшира Санда Мадаминова бола саломатлигини текширишмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

ЧЕТ ЭЛ АЖОЙИБОТЛАРИ

ОҚИЛОНА ҚОНУН

ГОЛЛАНДИЯДА яқинда шундай бир қонун қабул қилинди: бундан буён конфет ёки бошқа хил ширинликлар телевизор орқали реклама қилинганида экраннинг ўндан бир қисмини эгаллайдиган тиш чўткасининг тасвири ҳам кўрсатилиши керак. Бу томошабиндлар, айниқса болаларга ширалиқни ортиқча истеъмол қилиш тиш учун ғоят зарарли эканлигини эслатиб туради.

«ХЕМУС» НИМА?

СОФИЯНИ Варна билан боғлайдиган янги, юқори класс автомагистрал йўл Болгариянинг Стара-Планина тоғ тизмалари орқали ўтади. Тоғ тизмаларининг қадимги номи «Хемус» бўлгани учун 420 километрли йўлга ҳам шундай ном берилди.

Мазкур йўл кенглиги ҳозирча 29 метр бўлиб (у келажакда яна кенгайтирилади), ҳар йўналишда уч қатор машина ҳаракати йўлга қўйилади. Тоғ даралари устига кўприклар (энг баланд кўприк 125 метр юқоридан ўтади), тоғлар остидан эса йўл кенглигида тоннеллар қурилади.

УЧУВЧИ ТЕЛЕКАМЕРА

ТЕЗ орада АҚШда «телекоптер», яъни телевизион камера ўрнатилган махсус мўжаз вертолётни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ундаги икки тактли бензин двигатели диаметри 163 сантиметрли роторини айлантиради, ёнилғи запаси эса бир соатдан кўпроқ учиш учун етади.

Вертолёт юз метрдан ортиқ баландликка кўтарила олади, ундаги телекамера эса тасвирни ерга узатади. «Телекоптер» узоқдан туриб бошқарилади. Унда белгиланган йўлдан учишга имкон берадиган жаъми бошқарув ишининг 90 фоизини бажарадиган «автомат-учувчи» ҳам бор. Учар телекамерадан телевидение орқали репортаж уюштириш, кўча ҳаракатини осмондан туриб назорат қилишда қўлланиш мумкин. Шунингдек, у осмонўпар бинолардаги ёнғинларни ўчиришда ҳам қўл келади.

ТЎРТ МИНГ ЙИЛДАН СЎНГ

РУМИНИЯ жанубидаги IV—V асрларга оид Румо-Византия қасрини кавлаш давомида 1,5 метрлик чуқурликда бундан тўрт минг йил муқаддам одамлар яшаган турар-жойнинг қолдиқлари топилди. Бу жой душман ҳужуми пайтида ёниб кетган бўлиши мумкин.

Ўтда куйган ғиштлар қатлами, девор қолдиқлари олингач, турар-жойдан ўчоқ, қўл тегирмони, ғалла солинган ўра, тўқувчилик дастгоҳи ва бошқа хил идиш-товоқ топиб олинди. Энг қизиғи шуки, дарахт навдаларидан тўқилган «карават»да куйиб кулга айланган газламанинг бир бўлаги чиқди. Тахминга кўра, у зиғир толаларидан тўқилган, негаки шу атрофда зиғир уруғи ҳам топилган.

Шу топгача бундай қадимий газлама топилмаган эди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

КЎРИЛАДИГАН МАСАЛА

Катта синф хонаси тўла ота-оналар, ҳайъатда уч киши. Муллабой Тиллабоев маъруза қилмоқда.

МУЛЛАБОЙ. — Ўртоқлар! Тарбия иши оғир вазифа. Масалан, менинг саккизта неварам бўлса, ҳаммасининг тарбияси билан ўзим шуғулланяпман. Бола одоби билан, дейди халқимиз. (Тингловчилар зерикиб эснашади). Новдани ёшлигидан қаёққа эгсангиз эгилаверади. Мен ҳовлимга бир туп беҳи экиб, новдасини тахта қозиққа тик қилиб боғлаб қўйдим. Бўлмаса эгилиб ўсади-да. Бола тарбиясига келсак, бола ҳам новда. (Шу пайт тингловчилардан Зуҳра қўл кўтаради). Ҳўш, нега қўл кўтаряпсиз!

ЗУҲРА. — Еш боламни дугонамга бериб келган эдим. Келганимга бир соатдан ошди, менга жавоб берсанглар.

МУЛЛАБОЙ. — Ҳали мажлисни очиқ деб эълон қилганим йўқ-ку, бу қанақаси бўлди? Дугонангиз қараб ўтирар. ЗУҲРА. — У ишга бориши керак.

МУЛЛАБОЙ. — Сабр қилинг! Шундай қилиб, ўртоқлар... (Тешабой қўл кўтаради). Ҳўш, сизнинг ҳам ёш болангиз борми?

ТЕШАБОЙ. — Кечирасиз, мен ишдан бир соатга жавоб сўраб келгандим!

МУЛЛАБОЙ. — Ишдан бола тарбияси зарур. Сабр қилинг, лоақал мажлисни очиб олай. Илгариги замонда Афанди ўзини табиб деб эълон қилибди. Шунда бир одам «болам оғир касал, бир кўринг», деб уни уйига таклиф қилибди. Афандининг қорни оч экан, касални кўрмасдан туриб, беморга ширгуруч пиширибберишни буюрибди. Уй эгаси дарров ширгуручни ҳозирлаган экан, Афанди паққос тушириб олибди-да, иш битди деб чиқиб кетаверибди. «Ахир касални кўрмайсизми?» деб сўрабди шунда уй эгаси. «Агар ширгуручни емаганимда мен ҳам оғир дардга чалинардим», дебди Афанди шунда. Мен тарбия масаласида жон койитиб гапиряпман-у, орамиздаги баъзилар Афандига ўхшаб, кетиш пайида.

ИНТЕРМЕДИЯ

Ўртоқлар, шундай қилиб, бола тарбияси ҳозирги кунда муҳим ва асосий масала. Ана шу муҳим масалага бағишланган бугунги ота-оналар йиғилишини очиқ деб эълон қиламан. Йиғилишнинг кун тартиби қуйидагича:

1. Ўқитувчи ва ота-оналар вазифаси — бу тўғрида мактабимиз директори ўртоқ Исматиллаев доклад қиладилар.

2. «2», «3» баҳоси кўп болалар — бу тўғрисида мактаб илмий бўлим мудири Тўхтамурод Хожимуродов доклад қиладилар.

3. Бола ва математика — бу тўғрида маҳалламизда яшовчи аспирант Тўлқин Абдуллаев гапиради.

4. Ҳаммага маълум, маҳалламизга табиий газ келяпти. Шунинг учун газтрест ходими Юнус Ёқубовдан бу ҳақда гапириб беришни илтимос қилдик. У киши катта тайёргарлик кўриб келганлар, эшитамиз.

5. Болага дориларни қандай ичириш керак — бу темада маҳалламиздаги аптекачи укамиз Абдували Тошев қизиқарли доклад тайёрлаган.

6. Болаларни қандай кийинтириш керак — бу ҳақда маҳалламизда яшовчи, тикувчилик фабрикасининг бичиқчиси Холбуви опа Холбобоеванинг доклади.

7. Бола ва кўча қоидаси — бу тўғрида маҳалламиз участковой Маҳмуд Очиловнинг ахбороти.

Бугунги йиғилишнинг қисқача тартиби шу. Кимда қандай қўшимча, олимчалар бор? (Болтабой қўл кўтаради).

БОЛТАБОЙ. — Мажлисимиз неча кунга мўлжалланган?

МУЛЛАБОЙ. — Ие, қизиқ савол, бўлди-ку! Шу бугунгида! Ундан кўра қўшимча олимчангизни гапиринг! (Шу пайт синф эшиги тақиллайди). Ким бўлди экан? (Очади... қўлида йиғлаган чақалоқни кўтариб Зуҳранинг дугонаси киради).

НОТАНИШ АЁЛ. — Ўртоқжон бир соатга илтимос қилиб, уч соат ўтирибсизми? Ахир ишдан кеч қолдим-ку!

МУЛЛАБОЙ. — Синглим ҳалақит берманг. Мажлисни бошлаб олайлик!

НОТАНИШ АЁЛ. — Зуҳра қани юринг, бу мажлис ҳали бошланмабди (чиқиб кетишди).

МУЛЛАБОЙ. — Ўртоқлар кимда қандай қўшимча, олимчалар бор? (Парда).

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ.

КАТТА МУСОБАҚА ОЛДИДАН

Эртага Фрунзе шаҳрида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси очилади. Иттифоқчи республикаларнинг терма командалари., Москва ва Ленинград шаҳарларининг кучли спортчилари СССР фахрий кубоги учун ўзаро куч синашадилар. Бутуниттифоқ мусобақасида Тошкент областининг беш вакили республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилади.

Узбекистон ССР терма командасининг состави яқинда Гулистон шаҳрида республика кубоги учун ўтказилган мусобақаларда аниқланди. Унда Қорақалпоғистон АССР ва барча область командалари ўзаро куч синашишди. Кўпкурашчилар йўлакларга ўрнатилган мураккаб ҳарбий-амалий тўсиқлардан ўтиш, пневматик милтиқдан нишонни аниқ мўлжаллаш ва граната улоқтириш бўйича умумкоманда ва шахсий биринчилик учун баҳслашдилар.

Ўсмирлар ўртасида андижонлик Р. Абинов тўсиқлардан чаққонлик билан ўтиб, энг яхши кўрсаткичга эришди. У 1 минуту 58,4 секундда 380 метрли масофадан ўтди. Тошкент области вакили И. Малишев ва самарқандлик Р. Нафиевлар иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар. Аёллар ўртасида андижонлик М. Ниғмонхўжаева, эркаклар ўртасида эса сирдарёлик С. Русь шохсупанинг юқори ўринларига кўтариддилар.

Гулистон шаҳрида ўтказилган мусобақалар спортчиларимизнинг янги-янги қирраларини очиб берди. Жумладан, уч спортчи СССР спорт мастери ва мастерликка номзод, тўрт спортчи эса биринчи разряд нормаларини бажардилар.

3 километр масофага милтиқдан аниқ нишонга олиб ва граната улоқтириб югуришда СССР биринчилигининг кумуш совриндори чирчиқлик С. Серебряков ғолиб чиқди. У масофани 10 минуту 28 секундда ўтди.

Умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Самарқанд области спортчилари республика кубогини қўлга киритдилар. Тошкентликлар иккинчи ўринни олишди.

Э. АВАНЕСОВ, республика ҳарбий-амалий кўпкураш федерациясининг раиси.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

НОДИР БУЮМЛАР КОМИССИОН МАГАЗИНИ



СИЗГА ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАРНИ СОТИШИНГИЗДА ВА СОТИБ ОЛИШИНГИЗДА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРАДИ.

Бу магазин яқиндагина шаҳримизда очилган бўлиб, у республикада ягонадир.

Бу комиссион магазин кумуш, бронза, ёғочдан ишланган қадимий ноёб буюмларни, амалий санъат асарларини, совға-ҳайкалтарошлик асарларини, қўлда тўқилган гиламларни, чинни, биллур, олтин ва кумуш қойқоқлик соатларни, узук, зирак, тўғноғич, билакузукларни (бриллиант ва бошқа қимматбаҳо ёқут тошлари қадалган) заргарлик буюмларини қабул қилиб олади.

Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди (соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус), душанба — дам олиш куни.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Г-9 «а» квартали, 20-уй (4, 9, 19-трамвайлар, 2-автобуснинг «Чўпонота» бекати). Телефон: 76-81-12.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Сизнинг хонадонингизда озиқ-овқатлар ва таомларни тайёрлаш, уйингиз хоналарини иситиш ва бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган табиий ёки суюлтирилган газ қимматли вақтингизни жуда ҳам тежайди, хонадонингизда ҳамиша озодагарчилик ва кўркамлик бўлишини таъминлайди.

Хавфсизлигингизни биринчи навбатда таъминлаш учун газ приборларининг узоқ муддат ва аварияисиз ишлашини таъминлаш мақсадида газ приборларидан фойдаланишнинг қоидаларига қатъий риоя қилиб боринг.

Газ прибордари очилиб қолиб, улардан газ чиқгудек бўлса, ғолтда хавфлидир.

Болалар ва газдан фойдаланиш қоидаларини билмайдиган кишиларнинг газ асбобларини ишлатишларига мутлақо йўл қўйманг.

Ишлаб турган газ приборларини ҳеч қачон назоратсиз қолдирманг.

Газ приборларини ўзбошимчалик билан монтаж қилиш ва бошқа жойга кўчириш қатъий ман этилади. Ана шундай ишларни бажариш лозим бўлиб қолган пайтда, сиз ўзингизнинг турар жойингиз бўйича шаҳар ва район газ бўлимларига мурожаат этишингиз зарур.

Газ баллонли қурилмалардан фойдаланаётганингизда газ баллонларини иситиш приборларига яқин жойларга ўрнатманг.

Уйнинг хонасидан ертўлага тушиш зиналари бор бўлган жойларда газ баллонли қурилмаларни ўрнатиб ишлатиш мутлақо ман этилади.

Газ таркибида бўлган углерод оксиди инсон саломатлиги учун ғоятда хавфлидир. Ана шу заҳарли модда озгина миқдорда бўлса ҳам нафас олинганда инсон организмига кирганда кучли захарланиш ҳосил қилади. Газнинг қурумлари мўрикондан чиқариб юбориладиган газ приборларидан фойдаланаётганингизда (АГВ, газ колонкаси, титанлар, иситиш печлари ва бошқалар) газни ёқишдан аввал мўрикон ҳавони тортиб кетаолишини бир марта текшириб чиқинг.

Агарда мўрконлар ёнаётган қурумларни яхши тортмаса, газ приборларидан фойдаланишни дарҳол тўхтатинг!

Газ приборларидан фойдаланаётганингизда дераза ларнинг форточкаларини очиб қўйишни унутманг.

Газ приборлари ўрнатилган ваннали хоналардаги эшикларнинг пастки қисмида умумий катталиги 0,02 кв. м ҳажмида ёриқлар ёки тешиклар бўлиши шарт.

Хонадонингизда агарда газнинг ҳиди сезилгудек бўлса, дарҳол приборлар олдидаги ва газ қувуридаги кранларни беркитинг. Хоналарни шабадалатинг ва шаҳар ёки район газининг авария-диспетчерлик хизматига дарҳол хабар қилинг. Авария бригадаси етиб келгунга қадар электр иситиш приборларидан мутлақо фойдаланманг!

Унутманг! Газ приборларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик бахтсиз ҳодисаларга олиб бориши мумкин.

«ТАШОБЛГАЗ» БИРЛАШМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 9-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1963—64 йилларда туғилган 8-синф ҳажмида маълумотли

ҚИЗЛАРНИ

ВОЛЕЙБОЛ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН СПОРТ ГРУППАЛАРИДА ЎҚИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳунар-техника билим юртида ўқувчилар ўрта маълумот оладилар ва полиграфчи касбини эгаллайдилар (харф терувчи, муқовасоз, линотипист, печатник). Шу билан бирга улар тажрибали тренерлар раҳбарлигида ўзларининг спорт маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўладилар.

КАМИДА 1-ЎСМИРЛАР РАЗРЯДИ ДАРАЖАСИДА СПОРТ ТАЙЁРГАРЛИГИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қилинганлар бепул уч маҳал кучли овқат, спорт формаси ва инвентарлари, формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

УҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

АРИЗАЛАР — 20 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Спорт ихтисоси бўйича контроль нормативларини топшириш 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 21-уй. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 77-10-56, 77-10-33.

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, полиз экинлари ва чорвачилик ҳом ашёларини қабул қилиш бўйича.

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА ҚИРИШДИЛАР

Маҳсулотларни топширувчи шахсларга юмшоқ ва яхши таралар берилади ва зарурат туғилганда шартномада келишилган сумманинг 25 процентигача бўлган қисми олдиндан аванс тариқасида тўланади.

Районлардаги тайёрлов конторалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларн ва ҳом ашёларини топшириш учун шартнома тузинг!

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОИДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ СОЮЗИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БОШҚАРМАСИ.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—1980 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти слесарь-сантехник-газ пайвандчилар, слесарь-вентиляциячилар, электр пайвандчилар, электр-газ пайвандчилар, химия ва нефть-химия саноати ускуналари монтажи бўйича слесарлар, токарлар, машинист-кранчилларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Билим юртига 8—10-синфни тамомлаган 14—17 ёшдаги ўғил ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга ўрта маълумот ва 3—4 разрядга эга бўлганлиги ҳақида диплом берилади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига кирадн.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қабул қилинганлар бепул кийим-бош, 3 маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 процентн тўланади.

Билим юртини тугатганлар олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, турар жойидан справка, характеристика, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 37, 52, 68, 106-автобусларнинг «Ёг-мой комбинати» бекатлари).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. ҚАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича универсал-токарь ва универсал-фрезерчи, учиш аппаратларини йиғувчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, дурадгор, тунукасоз, слесарь, асбобсоз-слесарь, газ-пайвандчи, слесарь-сантехник.

Ўқиш муддати — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАЙДИГАН 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ва эгаллаган ихтисоси тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдаги мавжуд имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ҳунар-техника билим юртида спорт майдончалари, тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик тўгараги мавжуд.

Билим юртининг согломлаштириш-спорт лагери Чимён яқинида жойлашган.

Ўқиш даврида ўқувчилар бепул уч маҳал овқат, кийим-бош билан, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. катталикда 8 дона ва 3х4 см. катталикда 8 дона фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (29-трамвай, 20, 30-автобусларнинг «Валихонов» кўчаси бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.50 — Гимнастика. 10.10 — Горичилар қаердасиз? 10.45 — Фамилиядош. Бадиий фильм. 2-серия. 11.50 — Рус қўшиғи янграйди. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 — Рус тили. 16.25 — Қувноқ ноталар. 16.40 — Подмосковье меридиани. 17.10 — Оталаримиз қўшиқлари. 17.40 — Фан оламида. 18.40 — Дунё воқеалари. 18.55 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группаси қатнашчиларининг матчи. 21.30 — Вақт. 22.00 — Футбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР — Швеция терма командаси. 22.45 — СССР Олий Совети депутатларининг сўзи. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

15.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 12.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 18.00 — Болалар учун телефильм. 18.15 — Қизиқарли учрашувлар. 18.45 — Ахборот. 19.00 — В. Д. Фигельский туғилган кунининг 90 йиллигига. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Театр учрашувлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 — Вақт. 22.00 — Турмуш ва маданият. 22.30 — Мен Шаповалов. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.00 — Реклама. 20.20 — Ёшлик. 20.50 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/IV да Маърифат қурбонлари, 20/IV да Анна Каренина.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/IV да Хотинимнинг эри, 20/IV да Шаҳзода ва етим қиз.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги катта цирк программаси (19.30).

«Узбекэнергоремонт» Бекобод ишлаб чиқариш участкасининг йўқолган

ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07205. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2376.